

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА**  
**УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАЕВА ФАРОХАТ ОДИЛЖАНОВНА**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТ**  
**МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Мирзаева Фарохат Одилжановна**

Бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини  
ривожлантириш ..... 3

**Мирзаева Фарохат Одилжановна**

Развитие культуры межличностных отношений у будущих учителей ..... 25

**Mirzaeva Farokhat Odiljanovna**

Developing a culture of interpersonal relationships in future teachers..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published work..... 52

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА**  
**УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАЕВА ФАРОХАТ ОДИЛЖАНОВНА**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТ**  
**МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2020**

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.1. PhD /Ped1272 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мусурманова Айниса Мусурмановна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Эркабаева Нигора Шерматовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Навоний давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.76.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “11” 06 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998) 69-227-01-44; факс: (998) 69-227-01-44; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz))

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( /рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (998) 69-227-01-44.

Диссертация автореферати 2020 йил “29” 07 куни тарқатилди.  
(2020 йил “29” 07 да 1 - рақамли реестр баённомаси).



**С.Т.Турғунов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**И.Солиев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

**Т.Эгамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги глобаллашув жараёни жаҳонга юз очиб бораётган Ўзбекистоннинг таълим тизими, илм-фани олдига долзарб вазифаларни қўймоқда. Жаҳон илм-фанида кетаётган ўзаро интеграциялашув жараёни педагогика соҳасида шахс омили, шахслараро муносабатлар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта ташаббуси доирасида ёшлар ва хотин-қизларга берилаётган эътибор – кадрларнинг ижтимоий ривожланиши, мослашувчанлиги муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Шахслараро муносабатлар самардорлигини шакллантириш оила, таълим муассасалари, давлат идоралари, шу жумладан, жамоатчилик уюшмалари зиммасига катта масъулиятларни юклайди. Жумладан, “жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”<sup>1</sup> муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Дунёда бўлажак педагогларда шахслараро муносабат маданиятининг педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш, умуммаданий компетентликни ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бўлажак ўқитувчиларда маънавий, интеллектуал, эмоционал сифатларни таркиб топтириш, ўқитувчи имижини шакллантиришнинг асоси бўлган коммуникатив компетентликни такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур йўналишда интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларни самарали ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлашнинг дидактик имкониятларини аниқлаштириш, талабаларни шахслараро муносабатда толерантлик фазилатини намоён этишга йўналтирилган коммуникатив, интерактив ва перцептив модулларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнини миллий анъана, маданият, қадриятларга асосланиш, ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш, педагогик касбига қизиқишни ривожлантириш, янги давр талабалари, ўқитиш шакллари ва моделларига мувофиқ бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш ҳукуматимиз ва таълим тизимининг устувор вазифаларидан этиб белгиланган. Айниқса, шахслараро муносабатлар маданиятини таркиб топтириш орқали бадий-эстетикликни ривожлантириш, кооператив таълим шароитида диалогик муносабат маданиятини такомиллаштириш, жамиятда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 6-сон. 70-модда.

бағрикенглик муҳитини тобора кенгроқ тарғиб ва татбиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 27 февралда эълон қилинган “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан “олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун кўшимча шароитлар яратиш”<sup>2</sup> педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди. Бу эса бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, педагогик жамоада муваффақиятли касбий мослашув шарти сифатида шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонлари, 2018 йил 4 июндаги “Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги”ги ПК-3837-сон Қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада шахслараро муносабат маданиятининг фалсафий, психологик ва педагогик асослари, миллий тарбия асосида шахслараро муносабат маданиятини шакллантириш масалалари бўйича О.Мусурмонова, М.Қуронов, Р.Сафарова, А.С.Очилдиев,

---

<sup>2</sup> Манба: <http://uza.uz/oz/documents/pedagogik-talim-so-asini-yanada-rivozhlantirish-chora-tadbir-28-02-2020>

М.Давлетшин, Э.Ғозиев, Н.Сафаев, Д.Рўзиева, Н.Эгамбердиева, Ш.Шодмонова, М.Бекмуродов, З.Салиева, З.Азимова, А.Холиқов каби олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан В.Абраменкова, А.Адлер, А.Асмолов, А.Белик, А.Бодалев, Л.Божович, Л.Выготский, Ю.Жуков, А.Леонтьев, М.Лисина кабиларнинг тадқиқотларида шахслараро мулоқот психологияси, шахслараро мулоқотнинг толерантлик билан алоқадорлиги, гуруҳлараро коммуникациянинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ёритиб берилган.

Хорижлик олимлардан G.Auernhaeimer, A.Sana, B.Soraya, D.Yeates, J.C.Deschamps, T.Devos, A. I.Dontsov, E. B.Perelygina, D.John, H.Yasushi, G.Hofstede кабилар томонидан шахс маданияти, мулоқот ва менталлик, идентиклик, коммуникатив толерантлик, шахслараро конфидентлик масалалари тадқиқ этилган.

Шунга қарамай, рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш, маданиятлараро мулоқот воситасида талабаларда шахслараро муносабат тизимини шакллантириш, миллий-маданий хусусиятларни ҳисобга олиш асосида шахслараро муносабат маданиятини такомиллаштиришнинг тренинг машғулотлари тизими ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф8-214. “Талабаларни касбий ва шахсий ижтимоийлаштириш” (2007-2011 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“шахслараро муносабат маданияти” тушунчаси мазмун, моҳиятини аниқлаштириш орқали унинг таркибий асослари ва педагогик психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

шахслараро муносабат маданиятининг толерантлик, эмпатик сифатлар билан алоқадорлигини эмпирик асослаш;

рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш мазмунини ёритиб бериш;

педагогик-психологик тренинглар воситасида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш ҳамда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришдир.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, суҳбат, сўровнома, эксперт баҳолаш, тест, қиёсий таҳлил, илмий умумлаштириш, моделлаштириш, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш ҳамда педагогик тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шахслараро муносабат маданиятининг когнитив (шахс феномени, нутқий этикет), аффектив (эмпатия, шахсий қадриятларни ҳурмат қилиш), конатив (мулоқотга кириш эҳтиёжи) таркибий асосларини белгилаш орқали мотивацион-эҳтиёжли, эмпирик ахлоқий тажриба, назарий билимларни ўзлаштириш, қадриятга йўналганлик босқичлари аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришда коммуникатив толерантлик салбий таъсирларни бартараф этишдаги асосий таркибий қисм эканлигининг эмпирик асослаш орқали эмпатия тузилмасига хос эмоционал, когнитив, хулқий компонентлар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг мулоқот тажрибаси ва ижтимоий-педагогик муносабат тизими билан гармоник алоқадорлигини аниқлаштирилган;

рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш мазмуни, бўлажак ўқитувчиларда танланган касбнинг ижтимоий аҳамиятини тўғри тасаввур қилиш, бўлғуси касбий позициясига қатъий ишонч, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш сифатлари мулоқот ва шахслараро мулоқот рефлексияси билан уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш технологияси шахслараро муносабат маданиятини мақсадли ривожлантириш жараёни ҳамда алгоритми, бўлажак ўқитувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатини таҳлил этиш, ривожланиш векторларини кўргазмали акс этириш орқали умумий ҳаракатлар компонентларини интеграциялаш механизмини қўллаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини шакллантириш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда касбий фаолият доирасида шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришга доир “Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган;

умумий педагогика фанининг “Педагогик маҳорат” курси бўйича ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилган ва ўқув амалиётига жорий этилган;

бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданияти ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятларини аниқлаштиришга доир таклифлар асосида “Ижтимоий педагогика” фанининг ўқув-услубий таъминоти такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот методологик базасининг таъминланганлиги, расмий манбалардан олинган назарий ва амалий маълумотлардан фойдаланилганлиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида



таҳлил қилинганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “шахслараро муносабат маданияти” тушунчасининг мазмун-моҳиятининг очиб берилганлиги, бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, мезон ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги, шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш компонентлари, рефлексив ёндашувнинг шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришга доир тарбиявий имкониятларининг ёритиб берилганлиги, бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш технологияси мазмунининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришда коммуникатив толерантлик салбий таъсирларни бартараф этишдаги асосий таркибий қисм эканлигининг эмпирик асосланганлиги, бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришга доир тренинг машғулотлари мажмуининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан педагогика олий таълим муассасаларида “Умумий педагогика”, “Педагогик технология”, “Педагогик конфликтология”, “Оила педагогика” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шахслараро муносабат маданиятининг когнитив, аффеktiv, конататив таркибий асосларини белгилаш, мотивацион-эҳтиёжли, эмпирик ахлоқий тажриба, назарий билимларни ўзлаштириш, кадриятга йўналганлик босқичларини аниқлаштиришга доир таклифлардан 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3809-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак педагог-психологларда коммуникатив компетентлик ва рефлексив маданиятни ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришда коммуникатив толерантлик салбий таъсирларни бартараф этишдаги асосий таркибий қисм эканлигини эмпирик асослаш орқали эмпатия тузилмасига хос эмоционал, когнитив, хулқий компонентлар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг мулоқот тажрибаси ва ижтимоий-педагогик муносабат тизими билан гармоник алоқадорлигини аниқлаштиришга доир таклифлар 5111800 – Мактабгача таълим бакалавриат йўналиши малака талаблари мазмунига сингдирилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3809-сон маълумотномаси).

Натижада бўлажак тарбиячиларда диалогик муносабат маданиятини ривожлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш мазмуни, талабаларда танланган касбнинг ижтимоий аҳамиятини тўғри тасаввур қилиш, бўлғуси касбий позициясига қатъий ишонч, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш сифатлари мулоқот ва шахслараро мулоқот рефлексияси билан уйғунлигини таъминлашга доир амалий тавсиялардан ОТ-Ф8-214. “Талабаларни касбий ва шахсий ижтимоийлаштириш” (2007-2011йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3809-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий ва касбий ижтимоийлаштиришнинг фанлараро модулли технологияларини қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш технологияси, уни қўллаш алгоритми, талабаларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатини таҳлил этиш, ривожланиш векторларини кўргазмали акс эттириш орқали умумий ҳаракатлар компонентларини интеграциялаш механизмини қўллашга доир амалий тавсиялардан ИТД-4-122. “Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3809-сон маълумотномаси). Натижада юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини хусусий-методик даражада қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган. Натижада ишлаб чиқилган методика ва таълим технологияси шахслараро муносабат маданияти компетенциясининг такомиллашувига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари ва мазмуни 2 та хорижий, 7 та республика илмий журналида, шунингдек, 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 та республика, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 127 саҳифани ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг мазмун-моҳияти, асосий тамойиллари ҳамда омиллари асосланган, бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари ёритилган, таълим тизимида умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг методик таълимоти аниқланган.

Жамият тараққиётида, хусусан, баркамол шахс тарбиясида маданият катта аҳамият касб этади. Зеро шахслараро, ўзаро муносабатлар инсоннинг иқтидори, салоҳияти, қобилияти ва ўзлигини намоён этиб, унинг билимлари, кўникма ва тажрибаларини, маънавий салоҳиятини амалий фаолияти орқали камол топтиришда асосий роль ўйнайди. Ҳақиқатан ҳам, шахслараро муносабатлар шахс тарбиясида муҳим ўринни эгаллаши дунё цивилизацияси тажрибасида исботланган. «Шахслараро муносабатлар» тушунчасига турли файласуф олимлар турлича таъриф берганлар.

Файласуф олимлар Ж.Туленов, Х. Одилқориев, Ш. Ғойибназаров, М.Абдуллаев, педагогик олимлар А.Мусурманова, В.М.Каримова, У.Маҳкамов ва бошқалар, хорижий олимлар В.Е.Кемеров, В.В.Зайцев, Г.Гасанова, В.Н.Куницына, Н.В.Казаринова, Т.Шибута, В.М.Погольша ва И.Ю.Хоперсковалар бу борада ўз қарашларини илгари сурганлар.

Шахслараро муносабат муаммоси психология фанида Т.Шибута томонидан кенг тадқиқ қилинган бўлиб, у мазкур ҳодисани “индивидда ривожланадиган ва сайқалланиб борадиган, узоқ муддатли алоқаларда акс этувчи ўзаро биргаликдаги йўналганлик”, – деб изоҳлайди. Е.В.Андрienко эса, шахслараро муносабатнинг расмий ва норасмий тузилмасини аниқлаштирган. Муносабатни ўзаро биргаликдаги йўналганлик сифатида тушуниш Г.С.Абрамованинг тадқиқотларида ҳам ўз ифодасини топган. У шахслараро муносабатни “фаолиятни яхши маълум, таниш, таниқли, тушунарли, кутиладиган шакллари”, – деб изоҳлайди. Гуруҳдаги шахслараро муносабат А.В.Петровский томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, ҳамкорликдаги фаолият нуқтаи назаридан В.Н.Куницына, Н.В.Казаринова, В.М.Погольша шахслараро муносабатни яхлит таҳлил этиш учун бир кишининг бошқасига барқарор эмоционал муносабати сифатида ҳис-туйғу муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтишган.

Республикамызда В.М.Каримова раҳбарлигида олиб борилган янгича ижтимоий-психологик муносабатга бағишланган тадқиқотлар ҳам диққатга сазовордир. Улар замирида ётган мулоҳазаларни амалиётга татбиқ этиш орқали Ўзбекистонда муносабат тизими мотивацияси шаклланишининг тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида маълум тасаввурларни шакллантириш мумкин. Зеро, инсон муносабати унинг хулқ-атворида, ички дунёсининг шаклланишида, барча психологик жараёнларида муҳим бошқарилувчилик ролини ўйнайди.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, шахслараро муносабатларни ўрганиш асосида ўқув жамоаларида педагогларда мақсадга йўналтирилган ривожлантириш зарур, – деган ижтимоий-психологик ёндашув муҳим ўрин тутди. Педагогикада ўқув жамоаси ва мулоқот масалаларига бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган, “шахслараро муносабат” тушунчасидан кенг фойдаланилади, фақат шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантириш масаласи кам ўрганилган.

Бизнингча, “шахслараро муносабат маданияти” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: шахслараро муносабат маданияти – бўлажак педагогни касбий ижтимоийлаштириш омили сифатида миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шахслараро ўзаро ҳамкорликдаги фаолият жараёнида талабага ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бир-бирини тушуниш, шахсга нисбатан мақсадли таъсир кўрсатиш қобилиятидир. Шахслараро муносабат маданиятини ривожлантириш таълим жараёнида талабаларнинг хулқ-атворини бошқариш механизми сифатида намоён бўлади ва бўлажак ўқитувчи шахсини ривожлантиришнинг ижтимоий-ахлоқий компоненти сифатида хизмат қилади.

Шахслараро муносабат эмоционал ҳодисаларни ўз ичига олади. Шунга қарамай, ижтимоий психологияда айнан ҳис-туйғулар одатда бу схеманинг учинчи таркибий қисми сифатида тавсифланади. Мазкур термин жуда кенг маънода қўлланилади. Табиийки, туйғулар “йиғинди”си чегараланмаган бўлса ҳам, уларни, асосан, икки катта гуруҳга бўлиш мумкин. Муносабат инсоннинг меъерий ҳаёт фаолияти, унинг психик соғломлиги учун асосий зарурият ва шароит ҳисобланади, инсоннинг ўзи фақатгина муносабат натижасида инсон – шахс бўлиб етишади. Муносабат – мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Муносабат жараёни бир вақтнинг ўзида қуйидаги тавсифларга эга бўлиши мумкин: индивидлар ўзаро муносабати жараёни сифатида; маълумотлар олиш жараёни сифатида; бир-бирини тушуниш жараёни сифатида.

Ҳозирги даврда муносабатни талқин қилишнинг турлича усуллари мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: муносабат – субъектларнинг ўзаро алоқалари; муносабат – инсоннинг мустақил фаолият тури; муносабат – инсон фаолияти бошқа турлари белгиси.

Адабиётлар таҳлили бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабатни ривожлантиришнинг муҳим методологик тамойилларини аниқлаш имконини берди, жумладан: жамоада шахслараро мулоқотнинг асосини ташкил этувчи мулоқот ва фаолиятнинг ўзаро алоқадорлиги; шахслараро мулоқотни ўрганишга яхлит ёндашув зарурлигини назарда тутувчи тизимлилик; ривожланиш; ўзаро муносабатларнинг ривожланиши ва жамоанинг шаклланиш маълум бир динамикаси мавжуд ва ҳкз.

Бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантириш деганда, муносабатлар тузилмаси ва мазмун-мақсади билан асосланиб, махсус вазиятларни яратиш орқали профессор-ўқитувчиларнинг талаба шахсига фаол таъсир кўрсатиш жараёни тушунилади.

Шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантириш бўйича педагогик тадқиқотларнинг зарурияти шундаки, исталган жамоа шахсга муайян ўзига хос хусусиятларни узатишда намоён бўладиган тарбиявий функцияни бажаради. Шу

билан бирга, талабалар жамоаси ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг позитив ижтимоий тажрибани ўзлаштириш учун асос сифатида хизмат қилади. Бу эса, жамоа қачонки талаба шахслараро муносабатлар тизимида ижобий мақомни эгалласа, шахснинг индивидуал ривожланиши учун қулай муҳит яратилади демакдир.

Мазкур бобда талабалар жамоасидаги шахслараро муносабатлар тузилмасини тавсифлашда муносабатлар динамикаси, ўзаро муносабатларнинг модаллиги, талабаларнинг психологик яқинлик даражаси каби параметрлар алоҳида-алоҳида кўриб чиқилди.

Тадқиқот натижалари педагогика олий таълим муассасаси талабалари жамоасидаги шахслараро муносабатларга хос қатор ўзига хосликларни аниқлаш имконини берди: шахслараро муносабат ёшлик даврида етакчи ўрин тутувчи мулоқотга эҳтиёж асосида юзага келади; талабани жамоадаги шахслараро муносабатлар тизимида жалб этиш олий таълим муассасасига муваффақиятли мослашувини белгилаб беради; шахслараро муносабатлар тизимида талабаларнинг ҳолати ва унинг академик ўзлаштириш ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд; талабалар жамоасидаги шахслараро муносабатларнинг табиий ривожланиш динамикаси бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни сифатини пасайтиради.

Юқорида қайд этиб ўтилган педагогика олий таълим муассасаси талабалар жамоасидаги шахслараро муносабатларнинг ўзига хосликлари ва бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш билан ўзаро алоқадорлиги талабаларнинг ўзаро муносабатларини мақсадга йўналтирилган тарзда ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.


Мазкур йўналишдаги педагогик фаолият талабалар жамоасига таъсир кўрсатувчи омилларга таянган ҳолда самарали амалга оширилиши мумкин. Талабалар жамоасидаги шахслараро муносабатларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига унинг ҳаётий фаолияти ва бўлажак ўқитувчини муваффақиятли тайёрлаш шарт-шароитлари билан боғлиқ. Бундай омиллар қаторига биз талабалар жамоасидаги лидерлик позицияси, талабалар жамоасидаги гуруҳий меъёрлар, ижтимоий-психологик муҳит, талабалар жамоасининг уюшганлиги, талабаларнинг маълум бир социометрик тоифага мансублиги ва бўлажак ўқитувчини тарбиялашга хизмат қилувчи муҳитда намоён бўладиган бошқа омилларни киритдик.

Тадқиқот кўрсатдики, юқорида алоҳида кўрсатиб ўтилган омиллар маълум даражада талабалар жамоасидаги фаолиятнинг самарадорлиги, ундаги шахслараро муносабатларнинг мунтазамлиги ва ўзгарувчанлиги, низоли вазиятлар ва уларнинг тавсифи, талабаларнинг ўз ишидан қониқиши, жамоадаги ўзаро муносабатлар кабилар билан боғлиқ.

Талабалар жамоасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар уларнинг умумий хусусиятларини аниқлаштириш натижасида педагогик фаолиятнинг илмий асосланган стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга имкон берди. Бундай ишларнинг аҳамияти шубҳасиз, шахс, бўлажак ўқитувчи тарбияланаётган жамоа мазкур гуруҳ ва жамият ўртасида боғловчи бўғин вазифасини бажаради.

Ўтказилган таҳлиллар умумлаштирган тарзда шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришнинг ички ва ташқи омилларини ажратиб кўрсатиш имконини берди. Ташқи омилларга ижтимоий, ички омилларга эса психологик омиллар киритилди. Ижтимоий омиллар сифатида қуйидагилар белгиланди: референт гуруҳлар; оила; таълим жараёни. Психологик омилларга субъектнинг шахсий сифатлари: мотивацион-қадриятга йўналтирилганлик, эмпатия ва рефлексияга қобилиятлилик кабилар киритилди.

Шахслараро муносабатлар маданияти тузилмаси ва уни ривожлантириш омиллари 1-расмда ўз аксини топган.




**1-расм. Шахслараро муносабатлар маданияти тузилмаси ва ривожлантириш омиллари**

Диссертациянинг “**Бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари**” деб номланган иккинчи бобида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини шакллантириш мазмуни, ўзаро биргаликдаги ҳаракатга асосланган шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантириш модели ҳамда аудиториядан ташқари бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини шакллантириш шакл ва методлари ёритилди.

Бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабат маданиятини ривожлантиришнинг қуйидаги компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилди: таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро биргаликдаги фаолиятнинг диалогик тавсифга (диалогик муносабат жараёнидаги субъектларнинг коммуникатив қоидаларига) эгаллиги; таълим-тарбия жараёнида субъектларда қадриятга йўналтирилган муносабатнинг (ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч, ўзаро бир-бирини тушуниш, масъулиятни онгли ҳис этишда субъектларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятга қадриятга йўналганлиги) умумийлиги; субъектларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатининг мувофиқлиги (ўзаро биргаликда мақсадни белгилай олиш кўникмаси, унга эришиш усулларини режалаштириш, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, мақсадга эришишни ҳамкорликда назорат қилиш, олинган натижалар асосида янги мақсад ва вазифаларни аниқлаштириш); фаолиятли-гуруҳий мезонлар – ўзаро

биргаликдаги ҳаракатнинг интенсивлиги, жамоадаги эмоционал-психологик муҳит каби.

Тадқиқотда “педагогик жараёнда ўзаро биргаликдаги ҳаракат” тушунчасини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришнинг назарий модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).



**2-расм. Бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантириш модели**

Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга асосланган ўзаро биргаликдаги педагогик ҳаракатни ташкил этишда қуйидаги тамойилларга таяниш лозим: ишончга асосланиш, тенглик, муаммони кўра олиш, мулоқотни шахсга йўналтириш.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришда жамоавий ижодий ишни ташкил этиш технологиясидан фойдаланилди. Педагогик жараённи амалга оширишнинг асосий шакли жамоа бўлиб, тарбиявий тадбирларни қўллаш технологияси жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш билан ўзаро боғлиқликда талқин қилинади.

Жамоавий ижодий фаолият – бу фаолликни ошириш, талабаларни тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантиришнинг самарали методи бўлиб, унда педагогик мақсад ва вазифаларни амалга оширишга юқори ишонч, демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш тамойиллари ўз ифодасини топади. Шунингдек, талабаларда мустақиллик, ташаббускорлик, ўз-ўзини бошқариш, фаол фуқаролик позициясини таркиб топтиришга хизмат қилади. Тадқиқот жараёнида жамоавий ижодий ишнинг бир қанча турларидан самарали фойдаланилди:

1. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ жамоавий ижодий иш.

Мақсад: атроф-муҳит ҳақидаги билимларни бойитиш, қувончнинг асосий манбаи сифатида меҳнатга қадриятли муносабатни қарор топтириш, ижтимоий ҳаётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилишни тарбиялаш, яқинлари ва бошқалар ҳақида қайғуриш, мустақил ишлаш ва фойда келтиришга одатлантиришдан иборат (акция, стартап, инновацион лойиҳа, ташаббус кўрсатиш).

2. Билиш фаоллигини ривожлантиришга доир жамоавий ижодий иш.

Мақсад: билишга эҳтиёжни ривожлантириш, олам манзарасини англашнинг бевосита манбаларини ўрганишга қизиқиш ва масъулиятни ҳис қилиш туйғусини таркиб топтиришдан иборат. Билиш фаоллигини ривожлантиришга доир жамоавий ижодий иш талабаларда шахслараро муносабатлар жараёнида зарур билмасликдан билишга интилиш, мақсад сари ҳаракат қилиш, қатъийлик, кузатувчанлик, қизиқувчанлик, оқиллик, ижодий тасаввурнинг бойлиги, дўстларча ғамхўрлик, сахийлик фазилатларини ривожлантиришда катта имкониятларга эга (қувноқ вазифалар кечаси, қувноқ усталар шаҳри, фантастик лойиҳалар ҳимояси, матбуот анжумани, диспут, турнир-викторина, оғзаки журнал).

3. Бадиий жамоавий ижодий иш.

Мақсад: талабаларда бадиий-эстетик дидни ривожлантириш; маънавий маданият, санъатга ва бошқа кишиларга яхшилик қилиш эҳтиёжини таркиб топтириш; ўзида ижодкорликка мойилликни ҳосил қилиш; сезгирликни, олийжанобликни тарбиялаш; инсоннинг ички оламини бойитиш (адабий кечалар, конкурслар, шеърӣй турнирлар, севимли машғулотлар эстафетаси).

4. Спорт билан боғлиқ жамоавий ижодий иш.



Мақсад: ҳаётнинг спорт-соғломлаштирувчи жиҳатлари, жисмоний маданият, жамиятнинг соғлом ва иродали фуқаролик сифатида ўзига масъулиятли муносабатини ривожлантириш; чаққонлик, жўшқинлик, чидамлилик, зукколик ва қатъийлик, жасурлик ва ботирлик, жамоавийлик ва интизомлиликни тарбиялаш (қувноқ спартакиада, “Космонавтлар ва метеорлар”, миллий ўйинлар спартакиадаси, туристик ўйинлар).

5. Ижтимоий-сиёсий масалаларга доир жамоавий ижодий иш.

Мақсад: оила, маҳалла, таълим муассасаси, Ватанига бўлган фуқаролик муносабатини мустаҳкамлаш; ўзининг Ватани тарихига доир билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ҳаёт гўзалликларини кўра олиш ва тушунишга ўргатиш (Мустақиллик байрами, Конституция куни, Ватан ҳимоячилари куни, Наврўз байрами, Халқаро хотин-қизлар куни, Хотира ва кадрлаш куни).

Ҳар бир жамоавий ижодий иш мақсади, мазмуни ва иштирокчилар таркибига кўра бир неча дақиқадан бар қанча ҳафтагача давом этиши мумкин.

Жамоавий ижодий иш технологиясининг ташкилий жиҳатлари ва методик ғояларига қуйидагилар киради: индивидуал ва жамоавий ижодкорликни уйғунлаштириш; бирор ишни жамоавий тарзда ташкил этиш, унда ихтиёрий иштирок этиш, фаолият турлари ва шакллари эркин танлаш; умумий бажарилган иш натижаси учун ҳамманинг масъулиятлилиги; янги ғояларнинг юзага келишини таъминловчи профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ижодий ҳамкорлиги; жипс жамоада шахсни такомиллашуви ҳамда ижодкор ва иқтидорли лидерлар таъсири остида жамоани ривожлантириш.

Тадқиқот жараёнида жамоавий ижодий иш босқичма-босқич амалга оширилиб, ҳар бир босқич мазмуни ҳамда шакл ва методлари аниқлаштирилди (3-расмга қаранг).

Мазкур алгоритмга асосланган ҳолда, аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида “Шахслараро муносабатлар маданияти” мавзусида жамоавий ижодий иш ташкил этилди.

Биринчи босқичда иштирокчилар билан суҳбат ўтказилди, мавзу бўйича уларни қизиқтирган масалалар аниқлаштирилди, аниқ таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалар белгилаб олинди, ишни бажаришнинг турли вариантлари кўриб чиқилди, машғулотнинг асосий мавзуси аниқлаштирилди.

Иккинчи босқичда иш жамоавий тарзда режалаштирилиб, ижодий гуруҳлар, роллар ва мажбуриятлар тақсимоли учун масъуллар, материаллар тайёрлаш, тадбирни ўтказиш жойи, вақти ва шакллари аниқлик киритилди.

Учинчи босқичда жамоавий ижодий иш режаси янада аниқлаштирилди, режани бажаришга киришилди, роллар сўнгги марта аниқлаштириб олинди, масалан, мактаб директори, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, метод бирлашма раҳбари, ўқитувчи, ўқувчи, ота-оналар, маҳалла раиси, радиобошловчи, талабалар ва ҳ.к.



**3-расм. Жамоавий ижодий ишни ташкил этиш технологияси**

Тўртинчи босқичда ижодий гуруҳ томонидан жамоавий ижодий ишни тайёрлашга доир ишлаб чиқилган аниқ тадбир режаси амалга оширилди. Масалан, университет радиосига жамоатчилик, маънавият-маърифат кенгаши мутахассисликлари таклиф қилинди. “Радиотингловчилар” студияга телефон қилишди, ўзларини қизиқтирган саволларни беришди.

Бешинчи босқичда жамоавий ижодий иш якунига етказилиб, иштирокчилар билан умумий йиғилиш ўтказилди, нима ишлар амалга оширилганлиги, қандай вазифалар бажарилмасдан қолганлиги муҳокама қилинди.

Олтинчи босқичда яқин келажакда амалга ошириладиган янги жамоавий ижодий иш мавзулари ва режалаштирилаётган тадбир бўйича таклифлар киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамоавий ижодий иш барча иштирокчиларга аниқ мавзу бўйича ўз фикрини айтиш, ҳамкорликда ишлаш, ўзаро ёрдам бериш, диалогга киришиш, баҳслашиш, ўз нуқтаи назарини асослаш имконини берди. Бундай машғулотлар қисқа вақт оралиғидаги ҳамкорликдаги фаолият тайёрлаш орқали уларда шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантириш имконини берди.

Диссертациянинг “Бўлажак ўқитувчиларда шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантириш самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган шахслараро муносабатлар маданиятини ривожлантириш модели ва жамоавий ижодий ишни ташкил этиш технологиясининг самарадорлигини аниқлашга доир тажриба-синов ишлари Тошкент давлат педагогика университети, Наманган давлат университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди 2016 йил сентябрдан 2019 йилнинг май ойигача қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

1. Тайёрлов босқичи (2016 йил, сентябрь).
2. Асословчи тажриба-синов ишлари (2016 йил, октябрь).
3. Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари (2016 йил, октябрь – 2018 йил, июнь).
4. Таҳлилий-умумлаштирувчи босқич (2018 йил, июнь – 2019 йил, июнь).

Тайёрлов босқичининг мақсади сифатида шахслараро муносабатлар маданиятининг ривожланганлигини ташхис этишнинг комплекс методларини танлаш, “Шахслараро муносабатлар маданияти” тўғарак машғулоти дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ўзаро ҳамкорликдаги жамоавий ижодий ишни ташкил этиш шакл, метод ва воситаларини аниқлаштиришдан иборат этиб белгиланди.

Психология ва педагогикада “шахслараро муносабатлар маданияти”ни ташхис этиш алоҳида тадқиқ этилмаганлигини ҳисобга олиб, шахслараро муносабатларнинг ривожланганлик кўрсаткичларига мос қуйидаги диагностик методлар танлаб олинди: California Psychological Inventory (Калифорния шахс сўровномаси), Freiburg Personality Inventory (Фрейбург шахс сўровномаси), ўз-ўзини бошқариш ва шахслараро мулоқот муваффақиятини аниқлаш, талабаларда эмпатиянинг шаклланганлигини аниқлаш (И.М.Юсупов) тестлари.

Асословчи тажриба-синов ишлари босқичида биринчи курс талабаларида шахслараро муносабатлар маданиятининг ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсад қилиб қўйилди.

Асословчи тажриба-синов ишлари босқичида 300 нафар 17-18 ёшдаги биринчи курс талабалари билан тест ўтказилди. Натижада 120 нафар талабада шахслараро муносабатлар маданияти паст, 156 нафарида ўрта, 24 нафарида юқори даражада ривожланганлиги аниқланди.

